



PUBLIC DIPLOMACY RELATIONS OF UZBEKISTAN WITH EUROPEAN COUNTRIES: AN IMPORTANT FACTOR OF ECONOMIC COOPERATION

Kuvandikov Ozodjon Uktam ugli

Head of the Information Service of the Committee of the Republic of Uzbekistan on Interethnic Relations and Affairs of Compatriots Abroad

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403556>

ARTICLE INFO

Received: 20th January 2026

Accepted: 27th January 2026

Online: 28th January 2026

KEYWORDS

Public diplomacy, economic diplomacy, soft power, business diplomacy, nation branding, state image, investment attractiveness, Uzbekistan.

ABSTRACT

This article presents a scientific and theoretical analysis of public diplomacy in close connection with economic diplomacy as a key factor in shaping a positive international image of the state. Public diplomacy is examined as an effective instrument of economic diplomacy that supports business diplomacy, foreign investment attraction, export promotion, and the enhancement of a country's international reputation. Using the case of Uzbekistan, the article analyzes recent economic and cultural initiatives aimed at strengthening external economic relations and developing a sustainable national brand.

НАРОДНАЯ ДИПЛОМАТИЯ УЗБЕКИСТАНА С ЕВРОПЕЙСКИМИ СТРАНАМИ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Кувондиков Озоджон Уктам угли

Руководитель информационной службы Комитета по межнациональным отношениям и делам соотечественников за рубежом Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403556>

ARTICLE INFO

Received: 20th January 2026

Accepted: 27th January 2026

Online: 28th January 2026

ABSTRACT

В статье проводится научно-теоретический анализ роли публичной дипломатии во взаимосвязи с экономической дипломатией в формировании позитивного международного имиджа государства. Народная дипломатия анализируется как эффективный инструмент экономической дипломатии, способствующий развитию бизнес-дипломатии, привлечению инвестиций, расширению экспортного потенциала и укреплению международной репутации страны. На примере Республики Узбекистан раскрывается значение реализуемых в последние годы экономических и культурных инициатив в развитии



KEYWORDS

Публичная дипломатия,
экономическая
дипломатия, мягкая сила,
бизнес-дипломатия,
национальный бренд,
имидж государства,
инвестиционная
привлекательность,
Узбекистан.

внешнеэкономических связей и формировании
устойчивого национального бренда.

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ХАЛҚ
ДИПЛОМАТИЯСИ АЛОҚАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ
МУҲИМ ОМИЛИ**

Қувондиқов Озоджон Ўктам ўғли

Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги
ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ахборот хизмати раҳбари
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403556>

ARTICLE INFO

Received: 20th January 2026
Accepted: 27th January 2026
Online: 28th January 2026

KEYWORDS

Халқ дипломатияси,
иқтисодий дипломатия,
юмшоқ куч, бизнес
дипломатия, миллий
бренд, давлат имижси,
инвестиция
жозибadorлиги,
Ўзбекистон.

ABSTRACT

Мазкур мақолада замонавий халқаро муносабатлар тизимида халқ дипломатиясининг иқтисодий дипломатия билан ўзаро боғлиқ ҳолда давлат ижобий имижсини шакллантиришдаги ўрни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақолада халқ дипломатияси иқтисодий дипломатияни қўллаб-қувватловчи муҳим инструмент сифатида қаралиб, бизнес дипломатия, инвестиция форумлари, экспортни тарғиб қилиш ва тадбиркорлик алоқалари орқали давлатнинг инвестицион жозибadorлиги ва халқаро имижси мустаҳкамланиши асослаб берилган. Ўзбекистон тажрибаси мисолида сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий ва маданий ташаббусларнинг ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва миллий брендни ривожлантиришдаги ўрни таҳлил қилинган.

Кириш. Глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги муносабатлар фақат расмий дипломатик каналлар орқали эмас, балки жамиятнинг турли қатламлари – нодавлат ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, маданий ва таълим муассасалари, ҳамда тадбиркорлар орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бундай муносабатлар тизими “халқ дипломатияси” атамаси орқали ифодаланиб, жаҳон миқёсида тобора кенг қўлланилмоқда.



Халқ дипломатияси – бу давлатлараро ишонч ва ҳамкорликни мустақкамлашга қаратилган, расмий эмас, аммо тизимли ва таъсирчан мулоқот шаклидир. Унинг доирасидаги фаолият, жумладан, тадбиркорлик ва иқтисодий алоқалар, икки томонлама муносабатларнинг иқтисодий, маданий ва ижтимоий пойдеворини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Замонавий халқаро муносабатларда “иқтисодий дипломатия”, “бизнес дипломатия” ва “парадипломатия” каби янги тушунчалар айнан шу жараённинг ифода воситасига айланган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида халқ дипломатияси жаҳон сиёсий майдонида пайдо бўлганига кўп вақт бўлмади. 1965 йилда Американинг таниқли теле ва радио журналисти Эдвард Мэроу тарихда биринчи халқ дипломатияси марказига асос солди. Ушбу институт бир йил ўтиб халқ дипломатиясининг таърифини нашр этди ва унда: “Халқ дипломатияси деганда биз ҳукуматлар, жамоат бирлашмалари ва алоҳида шахсларнинг бошқа халқлар ва ҳукуматларнинг нуқтаи назари ва қарашларига таъсир кўрсатадиган даражадаги воситалар ва ташқи сиёсий қарорларни тушунамиз” деб фикр билдирилган[1].

1990-йилларда “халқ дипломатияси” тушунчаси амалиёт ва изланишларда устунлик қила бошлади. Машҳур олим Ж.Най бу тушунчанинг шарҳини у томонидан ишлаб чиқилган “юмшоқ куч” тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган ҳолда кенгайтди. Унинг таъкидлашича, халқ дипломатияси давлатнинг “юмшоқ кучини” тарғиб қилиш воситаси бўлиб, у ўз навбатида учта манбага эга: ички сиёсат ва ижтимоий қадриятлар, мамлакат маданияти, ташқи сиёсат. Шу сабабли, халқ дипломатияси ушбу учта усул орқали давлатнинг “юмшоқ куч” манбаларини тарғиб қилади. Биринчи усул – бу давлатнинг ташқи сиёсатини тушунтириш учун хорижий аудитория билан кундалик мулоқот. Иккинчи усул – бу давлат брендини тарғиб қилишга қаратилган кампанияларни амалга ошириш. Учинчи усул – мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатишга қаратилган лойиҳалар[2].

Бу даврда халқ дипломатиясининг ривожланиши икки қутбли даврдан ўтди дейиш мумкин, ва бу ҳол камида учта инқилоб: халқаро муносабатлардаги, оммавий ахборот воситаларидаги ва сиёсатдаги инқилоблар билан боғлиқ[3]. ОАВдаги инқилоб – бу Интернет ва CNN каби умумжаҳон ОАВларининг пайдо бўлишидир. Сиёсий инқилоб сифатида демократлаштиришнинг учинчи тўлқинида ўз ифодасини топиб, у сиёсий жараёнларда оммавий қатнашиш даражасини ҳар доимдагига нисбатан ошишига олиб келди[4]. Халқаро муносабатлардаги инқилоб шундан иборатки, давлатлар эндиликда географик ҳудуд ёки табиий ресурслар учун эмас, балки ўз обрўси, инвестициялар учун шарт-шароитларнинг яратилганлиги, ўз ғоялари, талантлари ва маданияти борасида рақобатга кириша бошладилар[5].

Умумлаштириб айтганда, мавзуга оид илмий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, халқ дипломатияси ва тадбиркорлик муносабати фақатгина



иқтисодий эмас, балки маданий, ижтимоий ва сиёсий контекстда ҳам ўрганилиши лозим бўлган мураккаб ва кўп қиррали илмий масаладир.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда халқ дипломатиясида тадбиркорлик ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнини тарихий ва замонавий тенденциялар асосида ўрганиш мақсад қилинди.

Тадбиркорлик, иқтисодий ҳамкорлик ва халқ дипломатияси ўзаро боғлиқ тизимнинг таркибий қисмлари сифатида қаралиб, уларнинг ички муносабатлари, трансформация жараёнлари ва таъсир омиллари тизимли таҳлил қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Халқ дипломатияси замонавий халқаро муносабатларда тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Унинг доирасида фуқаролик жамияти вакиллари, нодавлат ташкилотлар, санъаткорлар, диний арбоблар ва айниқса тадбиркорлар фаол иштирок этмоқда. Халқ дипломатияси орқали давлатлар ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, маданий алмашинувга эришади ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиради. Савдо алоқалари эса ушбу жараённинг тарихий илдизларга эга асосий каналларидан биридир.

Тадбиркорлик ва дипломатия ўзаро узвий алоқада бўлган икки ҳодисадир. Савдо ва тадбиркорлик ривожини билан бирга минтақаларо алоқа мустаҳкамланади, маданиятлар ўзаро таъсирга киради, тиллар ўрганилади, урф-одатлар алмашади. Шу жиҳатдан олганда, тадбиркорлар кўп ҳолларда халқ дипломатиясининг асосий етказувчиси бўлган.

Замонавий халқаро муносабатлар тизимида давлатлар ўртасидаги алоқаларда иқтисодий дипломатия, бизнес дипломатия каби атамалар тез-тез учрайди.

Бизнес дипломатия халқаро бизнесни юритиш ва турли мамлакатлар ва маданиятлар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарали воситасидир. У бизнес мақсадларига эришиш ва узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатиш учун дипломатик усуллар ва стратегиялардан фойдаланишга асосланган. Бизнес дипломатия тамойилларига ишонч, ўзаро очиқлик, маълумотларнинг ҳаққонийлиги, муросага келиш қобилияти ва давлат идоралари билан мувофиқлаштириш киради. Ушбу ёндашув ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга ва халқаро бозорда муваффақиятли фаолиятга ёрдам беради[6].

“Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” деб номланган асаарида давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташқи сиёсатимизнинг тўрт муҳим натижасидан бири сифатида иқтисодий дипломатияга алоҳида тўхталиб ўтиб, уни ривожлантиришнинг шартларини белгилаб берган эди[7].

Мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келяпти. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани бизнеснинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганидан далолат беради[8]. Биргина 2023 йилда ушбу йўналишда 4 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди, хорижий давлатлардаги элчихоналаримиз томонидан 70 дан зиёд бизнес-



форумлар ташкил этилди. Шу йўл билан 77 та инвестиция лойиҳаси доирасида 13 миллиард АҚШ долларига тенг сармоя жалб қилишга эришилди[9].

Бугун юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган бўлиб, ишлаб чиқариш, туризм, маҳаллий хунармандчилик “Made in Uzbekistan” шиори остида миллий маҳсулотларимизни дунё бўйлаб тарғиб қилинмоқда.

Бир неча йиллардан бери Тошкент инвестиция форуми ўтказилиб келинмоқда. Ўзбекистон энди фақат ресурс ҳудуди сифатида кўрилмаётгани аксинча Ўзбекистонга узоқ муддатли шериклик майдони сифатида барқарор қизиқиш мавжудлигидан далолат беради.

Халқ дипломатиясида тадбиркорлик алоқалари алоҳида ўрганилиши керак бўлган соҳа ҳисобланади. Тарихнинг ҳар қандай даврида хоҳ тинчлик бўлсин хоҳ урушлар даври – барчасида ўзаро алоқаларда савдогарлар, тадбиркорлар, савдо ва хунармандчилик бирлашмаларининг ўрни катта бўлган. Уларнинг халқаро фаолияти халқ дипломатиясига асосланган.

Мазкур жадвалда халқ дипломатияси ва тадбиркорлик алоқаларига оид амалий мисоллар келтирилган. Унда Европа мамлакатларида ташкил этилган миллий хунармандчилик, туризм, гастрономия ва бошқа ярмарка ва кўرғазмалар келтириб ўтилган.

	Тадбир номи	Қачон ва қаерда ўтказилган	Мазмуни
1.	“Лингуафест 37” халқаро тиллар ва маданиятлар фестивали[10]	2018 йил 20-27 ноябрь Франция, Тур шаҳри	500 дан ортиқ миллий хунармандчилик ва тасвирий санъат намуналари сотилган.
2.	“Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида дўстлик алоқаларни мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг роли”[11].	2019 йил 18-25 март Латвия, Эстония ва Финляндия	Рига марказий бозорида “Ўзбек ҳовлиси” нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Латвиянинг ишбилармон доиралари, жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Иштирокчиларга Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва туризм соҳасини ривожлантиришга ҳамда инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор



			қаратаётгани ҳақида маълумот берилди.
3.	Болгария Бирлашган бизнес клублар раиси В.Халачев бошчилигидаги делегация ташрифи[12]	2022 йил 15 апрель Ўзбекистон, Тошкент	Туризм, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, тадқиқот ва инновациялар, сунъий интеллект, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа бир қанча тармоқларда ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш.
4.	“Ўзбекистон ва Литва ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришда халқ дипломатиясининг ўрни” мавзусида давра суҳбати[13]	2022 йил 18-25 апрель Латвия ва Литва, Вильнюс ва Висагинас шаҳарлари	Навоий вилоятининг иқтисодий имкониятлари тақдимот қилинди
5.	“Ўзбекистон ва Болгария ўртасида халқ дипломатияси ва маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш” мавзусида давра суҳбати, “Шимолий Македония-Ўзбекистон” дўстлик жамиятини очилишида иштирок этиш[14]	2022 йил 5-12 декабрь Болгария ва Шимолий Македония	Савдо сотиқ, таълим, маданият, туризм йўналишидаги ҳамкорлик алоқалари, Болгариянинг Булгаз шаҳрида Ўзбекистоннинг савдо терминалини очиш масаласини кўриб чиқиш

Хулоса ва таклифлар.

Замонавий халқаро муносабатларда эса тадбиркорлик фаолияти орқали мамлакатнинг ташқи имижини, инвестицион жозибadorлигини ва маданий қадриятлари тарғиб этилаётгани халқаро амалиётларда кенг кузатилмоқда. Ўзбекистон мисолида миллий хунармандчилик, бизнес-форумлар, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар, туризм ва инвестиция салоҳияти орқали халқ дипломатияси фаолияти кучаймоқда.

Халқ дипломатияси ва тадбиркорликнинг интеграциялашган ҳолда амалга оширилиши давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, мулоқот маданияти ва барқарор шериклик муносабатларини мустаҳкамлайди.

Шунинг учун бугунги кунда тадбиркорликни халқ дипломатияси инструменти сифатида институционал даражада ривожлантириш, иқтисодий дипломатия ва бизнес дипломатияни халқ дипломатиясининг таркибий қисми сифатида қонунчилик ва сиёсий дастурларда мустаҳкамлаш ҳамда “Халқ



дипломатияси элчилари” концепцияси доирасида фаол тадбиркорларни танлаб, расмий тарзда рағбатлантириш муғим аҳамиятга эга.

References:

1. Цит. по: Cull N. J. Public Diplomacy before Gullion: The Evolution of a Phrase // Routledge Handbook of Public Diplomacy. Ed. by Nancy Snow, Philip M. Taylor. L.; N.Y.: Routledge, 2009. P. 19. Казбекова Д. С. Публичная дипломатия во внешней политике Федеративной Республики Германия и Республики Казахстан: Дисс. ... д-ра полит. наук. Астана, 2014. С.19.
2. Nye J. Public Diplomacy and Soft Power // Annals of the American Academy of Political and Social Science. Vol. 616. 2008. P. 94.
3. Gilboa E. Searching for a theory of public diplomacy // The Annals of the American Academy of Political and Social Science. 2008. Vol. 616. No 1. P. 55–77. URL: <https://doi.org/10.1177/0002716207312142>.
4. Huntington S. P. The third wave: Democratization in the late twentieth century. University of Oklahoma Press, 1993. IT Strategic Plan: Fiscal Years 2011–2013 Digital Diplomacy // US Department of State. 2010. September 1. URL:<http://www.state.gov/m/irm/rls/148572.htm>.
5. Luttwak E. N. From geopolitics to geo-economics: logic of conflict, grammar of commerce // The National Interest. 1990. No 20. P. 17–23.
6. “Бизнес дипломатия ва ёшлар” онлайн вебинари / <https://scocenter.uz/post-detail/569>
7. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 117 бет
8. Давлат – тадбиркорга, тадбиркор халққа мададкор / <https://parliament.gov.uz/oz/articles/666>
9. Ш.М. Мирзиёев, Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2024. – 118 бет¹
10. Фарангистонда тиллар ва маданият фестивали. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №4/2018 –63-бет.
11. Ўзбекистон Шимолий Европа мамлакатлари билан муносабатларни мустақкамламоқда. “Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий журнал №2/2019 –55-бет.
12. Болгариянинг Бирлашган бизнес клублар раиси В.Халачев бошчилигидаги Болгария делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи тўғрисида маълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Болгария” дўстлик жамияти жилди 26-варақ.
13. Ўзбекистон делегациясининг Латвия ва Литва давлатларига сафари тўғрисида маълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти



қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Латвия” дўстлик жамияти жилди 34-варақ.

14. Қўмита бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг Болгария ва Шимолий Македонияга сафари тўғрисида маълумот. / Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамияти қўмитаси хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш бўлимининг “Ўзбекистон-Болгария” дўстлик жамияти жилди 53-варақ.